O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 300409

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 3 апрель, № 69 (4732) Жума



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

2 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

«Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг аъзоси Б.Юсупов тақдим этди. Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни ратификация қилганлиги ва унинг айрим нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш зарурати муносабати билан, шунингдек, ушбу соҳада мамлакатимизда тўпланган иш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди. Қонун лойиҳасида номоддий маданий мерос объектларини талқин қилиш билан боғлиқ нормалар қайта кўриб чиқилган, номоддий маданий мерос объектларини сақлаш ва қайта тиклаш чоралари тўғрисида янги қоидалар белгиланган.

Савол-жавоблардан кейин қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан сиёсий партиялар барча фракцияларининг вакиллари мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ўзбек халқининг кўп асрлик маданий ва маънавий меросининг моддий ҳамда номоддий намуналарини тиклаш, сақлаш ва тарғиб қилиш борасида катта иш қилинганлигини таъкидладилар. ЮНЕСКО оғзаки ва номоддий маданий мерос дурдоналари рўйхатидан Ўзбекистон номоддий маданий меросининг иккита намунаси — Бойсун туманидаги маданий мерос ва Шашмақом мусиқавий анъаналари жой олган. Киритилаётган ҳуқуқий нормалардаги янгилик ва уларнинг долзарблиги энг аввало шундаки, улар моддий маданий мерос объектларини илмий ва илмий-техник жиҳатдан ўрганиш, консервациялаш, реставрация қилиш ҳамда ҳозирда фойдаланиш учун мослаштириш бўйича давлат дастурларини самаралироқ рўёбга чиқариш имконини беради, ушбу соҳадаги ишларни сифат жиҳатидан янги даражага кўтаради.

Қонунчилик палатаси депутатларнинг айрим ҳуқуқий нормаларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифларини ҳисобга олган ҳолда Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига юборилади.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг аъзоси Н.Алимов «Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Ушбу ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжуд бўлган кўп сонли археология мероси объектларини аниқлаш, ўрганиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби белгилаб берилади. Археология мероси объектларига нисбатан мулкчилик ҳуқуқи, археология объектини Маданий мерос объектларининг

(Давоми 2-бетда).

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида кейинги йилларда корхоналар босқичма-босқич техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланиб, модернизация қилинаётир.

Бу ишлаб чиқариш салоҳиятининг тобора ўсишига, энг асосийси, импорт ўрнини босувчи, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имконини бермоқда.

Модернизация

Чирчиқ шаҳридаги "Элус" илмий-ишлаб чиқариш корхонасида, масалан, технологик янгиланиш шарофати билан лойиҳалаш, рационализаторлик таклифлари асосида энергетика ва электрлаштириш тармоғи учун жуда зарур бўлган юқори кучланишларга чидамли ускуналар тайёрлаш йўлга қўйилди. Илгари республикамизга 500 кВтли ажратгичлар, ток ва кучланиш трансформаторлари Россия ва Украина сингари давлатлардан импорт қилинган бўлса, эндиликда улар "Элус" мутахассислари томонидан тайёрланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳалар қаторида енгил саноат тизими ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда пахта толасини қайта ишлашга ихтисослашган ўнлаб янги қўшма корхоналар барпо этилгани, эскилари тубдан реконструкция қилинаётгани шундан далолат беради.

Сабаби аён: юртимизда бугунги кунда четга хом ашё эмас, балки тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар чиқариш устувор вазифа қилиб қўйилган. Зеро, жаҳон бозорида пахта толасидан тайёрланган сифатли маҳсулотларга талаб ошмоқда. Шундан келиб чиқиб, тармоқни ривожлантириш сифатли, рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг иш ҳақи ва даромадларини оширишга ҳам хизмат қилмоқда.

Боғот туманидаги "Коттон тех" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, янгиланишлар бунга ёрқин мисолдир.

Мазкур корхона дастлаб 2006 йили трикотаж-тикувчилик фабрикаси сифатида иш бошлаган эди. Кейинчалик у ип-калава ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди. Қисқа вақт ичида Германия, Швейцария, Туркия давлатларидан 1 миллион 200 минг АҚШ долларилик замонавий дастгоҳлар, ускуналар келтирилиб ўрнатилди. Мавжуд цехлар замонавийлаштирилди. Жамоа эса асосий эътиборни маҳсулот сифатини жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган даражага етказишга қаратди. Натижада ўтган йили пахта хом ашёсидан 2 миллиард 14 миллион сўмлик 1137 тонна харидоргир ип-калава ишлаб чиқарилди. Бунинг деярли 80 фоизи, яъни 1 миллион 366 минг долларлик 800 тонна тўқимачилик маҳсулоти хорижга сотилди.

Жараён

Ҳозирги кунда бу ерда 96 нафар ишчи-хизматчи меҳнат килмоқда. Қувонарлиси, уларнинг 90 фоиздан ортиғини маҳаллий ёшлар ташкил этади. Меҳнат аҳлининг унумли ишлаши, мазмунли ҳордиқ чиқариши, саломатликларини тиклаши учун барча шароитлар яратиб берилган.

— Мен шу корхонада ип-йигирув машинаси оператори бўлиб ишлайман, — дейди Дурдигул Мамедова. — Жамоамизнинг деярли ҳаммаси ёшлар. Хусусан, 20 нафар қиз туман марказидаги енгил саноат коллежини битирган. Уларнинг, яъни қишлоқ ёшларининг замонавий чет эл дастгоҳларини моҳирона бошқаришларини кўриб, қувониб кетасан, киши.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида "...жаҳон иқтисодий инқирози ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаб, модернизация қилиб бориш заруратини кун тартибига янада ўткир қилиб қўймоқда ва бунинг учун бор куч-имкониятларимиз ва ресурсларимизни сафарбар этишни талаб қилмоқда" дея алоҳида таъкидлади. Корхона маъмурияти ана шу талаб асосида иш юритиб, хориж инвестициясини жалб этган ҳолда, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан жиҳозлаш орқали мавжуд қувватларни ошириш, маҳсулот миқдорини кўпайтириш ва сифатини янада яхшилаш пайидан бўлмоқда.

— Дарҳақиқат, бугун корхонани замонавий талаблар даражасига етказмай туриб, бозорда муносиб ўрин эгаллаш қийин, — дейди қўшма корхона директори Ғайрат Жуманиёзов. — Шу боис жорий йилда ишлаб чиқаришга 500 минг АҚШ доллари, кейинги йили яна шунча миқдорда инвестиция жалб этишни мўлжаллаб турибмиз. Яқин кунларда 80 минг долларлик ускуналар келтирилади. Агар ниятимиз амалга ошса, биринчи навбатда, корхонада иш самарадорлиги ва маҳсулот сифати янада яхшиланади. Корхонамиз йилига 3 минг тонна пахта хом ашёсини қайта ишлаб, ундан 2 минг 400 тонна ип-калава ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади. Муҳими, қўшимча 25 та янги иш ўрни яратилади.

Бу йил корхонада 1 минг 400 тонна, яъни 2 миллиард 215 миллион сўмлик ип-калава тайёрлаш режалаштирилган. Шундан 1 минг тоннаси экспорт қилинади. Ҳозиргача 400 минг долларлик маҳсулот четга сотилди.

Корхона интенсив ривожланиш йўлидан дадил бораётгани унинг тўқимачилик бозоридаги обрўйини оширмоқда. Шу билан бирга, ишчи-ходимларнинг даромадлари барқарор бўлиши, турмуш фаровонлиги яхшиланиши таъминланмоқда. Бу, таъбир жоиз бўлса, қўшалоқ ютуқдир. Зотан, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ҳам шундан иборат.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Анжуман

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тобора ривожланиб, у аҳоли турмуш фаровонлиги ва бандлигини таъминлашнинг муҳим омилига айланди.

БАНК САРМОЯЛАРИ – ТАДБИРКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТГА

Зотан, 2009 йил 1 январига келиб, уларнинг сони 400 мингтани ташкил этгани, иш билан банд бўлган аҳолининг 76 фоиздан ортиғи иқтисодиётимизнинг мазкур тармоғига жалб қилингани алоҳида эътиборга лойиқдир.

Президентимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётгани, айниқса, молиявий қўллаб-қувватлашнинг аниқ ва рағбатлантирувчи механизми яратилгани муваффақиятлар омили бўлмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш мамлакатимиз тижорат банкларининг устувор вазифаларига айланган. Буни шу мақсадлар учун йўналтирилган кредитлар ҳажми йил сайин ошиб бораётгани ҳам яққол кўрсатиб турибди. Биргина 2008 йилда тадбиркорликни ташкил этиш ва ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштиришга аввалги йилдагидан 68,2 фоиз кўп, жами 1250,7 миллиард сўм маблағ ажратилгани шундай дейишимизга тўла асос бўла олади.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакат бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Жомбойда янги қўшма корхона

Жомбой туманида "Ургут Латекс Пасаргат" қўшма корхонаси иш бошлади.

Корхонага хориждан 100 минг долларлик технологиялар олиб келиб ўрнатилгандан сўнг, бу ерда қурилишда кенг қўлланиладиган елим ва елим маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Эътиборли томони шундаки, ушбу маҳсулот шу пайтга қадар мамлакатимизга четдан келтирилар эди.

Бугунги кунда 20 киши фаолият кўрсатаётган қўшма корхонада йилига 60 тоннагача маҳсулот тайёрлаш имконияти мавжуд. Жамоа ўз маҳсулотларини экспорт қилишни ҳам режалаштирмоқда.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Аҳолига қулайлик

Қорақалпоғистоннинг Жаслиқ шаҳарчаси аҳолиси тадбиркор Бауатдин Альяновдан миннатдор.

Тадбиркор аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида хайрли ишга қўл урди. У ўз маблағи ва банкдан олган кредит ҳисобига бир неча микроавтобуслар харид қилиб, Жаслиқни марказий шаҳарлар билан боғлайдиган мунтазам қатновни йўлга қўйди.

Бауатдин Альяновнинг бу тадбири туфайли 40 нафарга яқин фуқаро доимий иш билан таъминланди.

Ҳ. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Ташаббус — 2009» танлови қатнашчиси, Дўстлик туманидаги фермер Дўстмамат Қодирқулов нафақат деҳқончилик, балки маҳсулотни қайта ишлаш борасида ҳам изланишлар олиб бораяпти.

Ташаббускор фермер

Фермер хўжалиги аъзолари 42 гектар ерда деҳқончилик қилишади. Шунингдек, хўжаликда 120 бош қорамол ҳам парвариш қилинмоқда. Фермер Дўстмамат Қодирқулов ўтган йили олган даромади ҳисобига хориждан замонавий сутни қайта ишлайдиган технология олиб келиб, цех қурган эди. Ушбу кичик саноат тармоғида ўн турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ички бозорга чиқарилмоқда. Унда 28 киши меҳнат қилаётир.

Жорий йилда фермер хўжалиги колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқчи.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Парранда маҳсулотлари сероб бўлади

2009 йил мобайнида республикамизнинг барча қишлоқ туманларида

паррандачилик фермаси ташкил этилади.

Бунинг натижасида озиқ-овқат маҳсулотлари импорти қисқариб, аҳоли парҳез гўшт ва тухум билан барқарор таъминланади, улар учун янги иш ўринлари очилади.

Бухорода Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти билан ҳамкорликда ташкил этган "Шахс ва жамият" кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

«ШАХС ВА ЖАМИЯТ»

Танловнинг вилоятларда ўтказилган босқичлари ғолиблари "Шахс ва жамият" фани бўйича олган назарий билимларини синовдан ўтказдилар. Нутқ ва муомала маданияти борасида маҳоратларини намойиш этдилар.

Танлов якунига кўра Сирдарё саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Абдухолиқ Худойназаров биринчи ўринга муносиб кўрилди. Самарқанд молия ва иқтисодиёт коллежи ўқувчиси Жаҳонгир Насимов ва Тошкент юридик ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи талабаси Зиёда Отахўжаевага кейинги ўринлар насиб этди. Ғолибларга қимматбаҳо эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Уйчи туманидаги "Ғайрат" маҳалласида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига эга бўлган гузар мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Маҳалланинг обод гузари

Қишлоқ тадбиркори Исломхон Аҳмаджонов томонидан барпо этилган мазкур мажмуада дорихона, минимаркет, устахоналар ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

Айни пайтда тадбиркор ошхона, чойхона ва косиблик устахоналарини ҳам ишга туширишни ҳаракатида.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида суд-ҳуқуқ соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жамиятни янада демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилишга қаратилган бу тадбирлар замирида бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш, фуқаролик жамиятини барпо этиш, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдек эзгу ғоялар мужассамдир.

БАҒРИКЕНГЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИК

жиноятчиликнинг олдини олишда энг муҳим тарбия воситасидир

Бу ғояларнинг моҳияти, энг аввало, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнлари билан бевосита боғлиқдир. Хусусан, 2001 йилда қабул қилинган "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун либераллаштириш сиёсатининг муҳим таркибий жараёнларини бошлаб берди. Унга мувофиқ, жиноятларни таснифлаш, жиноий жазо тайинлаш ва уни ўташ қоидаларига жиддий янгиликлар киритилди. Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллаш доираси кенгайтирилди, ярашув институти жорий этилди.

Буларнинг барчаси, табиийки, ўз самарасини бераётир. Айниқса, судлар томонидан жиноят содир этган шахсларга нисбатан ярашув институтини татбиқ этиш ҳоллари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Биргина 2008 йилда 21904 нафар шахсга нисбатан 20182 та жиноят иши Жиноят кодексининг 66¹-моддаси асосида кўриб чиқилиб, ҳал этилган. Агар бу рақамларга бевосита судланганларнинг оила аъзолари, яқинлари ҳамдард эканлигини ҳисобга олсак, ўн минглаб инсонларнинг тинч ҳаёт тарзи сақланиб қолгани равшанлашади.

Жиноят қонунчилигини ва жазо тизимини либераллаштириш юқоридаги тоифадан ташқари яна вояга етмаганлар, аёллар ва кексаларга нисбатан ҳуқуқий чоралар қўллашда инсонийлик, раҳмдиллик ва бағрикенглик руҳи билан суғорилган қоидаларнинг устуворлигини белгилаб берди.

Умуман, жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жазосини қўллаш доираси торайганлиги ўзига хос иқтисодий самарани ҳам таъминлайди. Айни вақтда ушбу ҳол озодликдан маҳрум этилиши мумкин бўлган, лекин жазо тизимини либераллаштириш натижасида жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган шахс учун ҳам, унинг оила аъзолари учун ҳам мулкий талафот кўришнинг олдини олади. Энг муҳими, маҳкум ўз оиласи бағрида қолади. Аксарият ҳолларда ўзининг ишини давом эттириши мумкин. Бу эса оиланинг моддий турмуш шароитининг ёмонлашувига йўл қўймайди.

Маълумки, муайян шахсни содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланганда ўзига хос ижтимоий, руҳий ва моддий оқибатлар келиб чиқади. Биринчи галда, бу билан боғлиқ жараёнлар унинг аввалги ҳаёт тарзини бузади. Шахс мутлақо ноқулай муҳитга тушиб қолади. Унинг ўз эрки билан бирор иш қилиши мутлақо чегараланади. Озодликда юрганда олиши мумкин бўлган қатор моддий ва маънавий неъматлардан маҳрум бўлади. Агар у бирор касбий фаолият билан шуғулланаётган бўлса, эндиликда унинг бу соҳадаги имконияти ҳам йўққа чиқади. У ўз малака-кўникмаси ва савиясини нафақат ошириши, балки сақлаб қолиши ҳам муаммога айланади.

Албатта, бу фикрлардан озодликдан маҳрум этиш жазосини умуман қўлламаслик керак, деган маънони тушунмаслик лозим. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчилик олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки, биринчи навбатда, қонунни бузган шахс жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқдир.

Сенатда маъқулланган

Дарҳақиқат, жиноий жазоларни либераллаштириш ижтимоий жиҳатдан жуда катта самара бермоқда. У жамиятда кишилар ўртасидаги ўзаро ишонч, тотувлик, адолатпарварлик, инсонпарварлик ва қонунга ҳурмат руҳини мустаҳкамлаётир. Бундан ташқари, минглаб одамлар тақдирида ижобий мазмун касб этди. Уларга жамиятдан, оиладан ажралмаган ҳолда тузалиш, ахлоқан покланиш имконини яратди. Мана шу муҳим ислоҳотларнинг рўёбга чиқарилиши боис, судларнинг озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазо тайинлаши 2008 йилда 2000 йилдагига нисбатан қарийб 30 фоизга камайди. Ушбу қоида жорий қилинганидан кейин ўтган қисқа вақт, яъни 8 йил мобайнида 88 минг нафарга яқин шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинди, жабрланувчиларга етказилган 17 миллиард сўмлик моддий зарар айбдорлар томонидан ихтиёрий равишда қопланди, 80 минг нафардан ортиқ шахс "судланган" деган тамғадан озод бўлди. Бундай ижобий натижалар, табиийки, соҳада ислоҳотларни яна давом эттириш, бугунги кунда эришилган ютуқлар қўламини кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Шу муносабат билан куни кеча якунига етган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига ўзгартишлар киритилди. Маълумки, 2001 йилда Жиноят кодексининг 26 та моддасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмишларга нисбатан ярашув институти қўлланиларди. Сенаторлар томонидан маъқулланган "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги Қонунга кўра, эндиликда Жиноят кодексининг 31 та моддасидаги ижтимоий хавфи катта бўлмаган 42 та жиноят таркиби бўйича ярашилганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш қўлланилади.

Шу ўринда, ўтган йиллар тажрибасидан келиб чиқиб, ярашув институтининг ижобий жиҳатларини таъкидлаш ўринлидир. Аввало, у жабрланувчи ва айбдор орасидаги низони жиноий таъқиб чораларини қўлламасдан ҳал қилиш имконини яратади. Жабрланувчига етказилган зарарнинг тез ва тўлиқ қопланишини таъминлайди. Энг муҳими, айбдорни кечириш орқали уларни тарбиялайди. Қолаверса, жиноятлар рецидивининг олдини олиб, судларни "ортиқча" ишларни кўришдан халос этади.

Сенатда маъқулланган Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган қилмишлар доираси янада кенгайтирилди. Хусусан, эндиликда зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш, хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш, меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш, ўзбошимчалик, тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларини бузиш каби ҳолатларда жабрланувчи билан ярашилса, маҳкум жазодан озод этилади. Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш (257-модданинг 1-қисми), тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги (258-модданинг 1-қисми), ёнғин хавфсизлиги (259-модданинг 1-қисми) қоидаларини бузиш, безорилик (277-модданинг 1-қисми) каби ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмишларни содир этган шахслар учун ҳам мазкур қоида қўлланилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ярашув институтининг қўлланиш доираси кенгайтирилгани фуқароларимиз ҳақ-ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини, энг муҳими, эркинлигини ҳимоялашга, жавобгарликнинг тарбиявий таъсирини кучайтиришга хизмат қилади.

М. РУСТАМБОЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

давлат кадастрига киритиш ва ундан чиқариш, тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг ушбу соҳадаги ваколатлари, археология предметларини ҳисобга олиш ва сақлаш каби муҳим масалалар ҳам муҳокамага қўйилган ҳужжат орқали тартибга солинади.

Муҳокама давомида депутатлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги кўп асрлик миллий тарих ва маданиятнинг таркибий қисми бўлган археология мероси объектларининг давлат томонидан ишончли муҳофаза қилиниши муҳим аҳамиятга эга эканлигини, уларни изчил ўрганиш ва тадқиқотлар натижаларини жаҳон жамоатчилиги эътиборига етказиш, улғайиб келаётган авлодни тарихий далиллар мисолида тарбиялаш зарурлигини таъкидладилар. Мустақиллик йилларида ўзбек халқининг бой археология меросини қайта тиклаш ва тарғиб қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, шунинг учун депутатлар мазкур масалага бундан буён ҳам катта эътибор қаратишлари алоҳида таъкидланди.

Муҳокама давомида баён этилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

«Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Ф.Хатамов маъруза қилди. Қонун лойиҳасида ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари белгилаб берилган, ушбу соҳада давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик шахслар ўртасидаги, шунингдек, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасидаги муносабатлар тартибга солинади.

Ҳужжатни муҳокама қилиш вақтида депутатлар ёнғин хавфсизлиги миллий хизматини янги давр талабларига мувофиқ равишда бундан буён ҳам такомиллаштириб бориш зарур эканлигини таъкидладилар. Ушбу масаланинг ҳал этилиши ижтимоий хавфсизликни таъминлаш, ёнғин ва у туфайли келиб чиқадиган зиёнларнинг олдини олишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-техник ва бошқа чоралар комплекси билан жипс боғлиқ эканлигига эътибор қаратилди.

Қонунчилик палатаси депутатлар киритган таклифларни муҳокама қилиб, қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

(ЎзА).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Банк мутахассислари тегишли соҳа ходимлари билан ҳамкорликда жойларда тез-тез очиқ мулоқотлар уюштираётгани, кичик бизнес субъектлари ва аҳолини тизимдаги янгиликлардан бохабар қилиб, тегишли маслаҳатлар берилаётгани ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда. Айниқса, чекка қишлоқ туманларида яшовчи фуқароларнинг тадбиркорлик ғоялари молиявий кўмак шарофати билан рўёбга чиқаяпти.

Учрашувларнинг навбатдагиси журналистлар билан бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки ва Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур матбуот анжумани "Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари лойиҳаларини молиялаштиришда тижорат банкларининг иштироки" мавзуига бағишланди.

БАНК САРМОЯЛАРИ — ТАДБИРКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТГА

Таъкидландики, мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона ислоҳотлар туфайли жаҳон молиявий инқирози шароитида юқори иқтисодий ўсиш суръатлари сақлаб қолиняпти. Бунда иқтисодиётимизда етакчи куч сифатида шаклланаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муносиб ҳиссаси бор, албатта. Турли шароитга мослашувчан бундай субъектларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши тобора ошиб, 2008 йилда 48,2 фоизга етди. 2009 йилда бу кўрсаткич янада ошиши кутилаяпти. Негаки, жорий йилда чекка туманларда кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари, саноат моллари етказиб берувчи завод ва фабрикалар қурилиши кўзда тутилган. Бу "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ҳамда мамлакатимизни жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурида ҳам ўз аксини топган.

Йил давомида тижорат банклари томонидан ажратилаётган 1 триллион 750 миллиард сўм миқдорида кредитлар айни шу мақсадларга йўналтирилаяпти. Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан 145,6 миллион АҚШ доллари миқдорида чет эл кредит линияларини мамлакатимизга жалб этиш бўйича шартномалар имзоланган. Буларнинг бари юртимизда тадбиркорликнинг тобора равнақ топишига, аҳоли фаровонлигини янада ошишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент шаҳрида Марказий Осиёда наркотик моддаларни суиистеъмол қилишнинг олдини олиш бўйича амалга оширилган кампания якунлари муҳокамасига бағишланган минтақавий конференция бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш Миллий ахборот-таҳлил маркази ҳамда Европа Иттифоқи ва БМТ Ривожланиш Дастурининг "КАДАП" мақсадли дастури доирасида ташкил этилди.

ОҒУСИЗ — КЕЛАЖАК САРИ

Анжуманда Марказий Осиёнинг барча давлатларидан гиёҳванд моддаларни суиистеъмол қилишга қарши курашиш соҳасида фаолият юритувчи тузилмалар мутахассислари, мамлакатимизда рўйхатдан ўтган халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Минтақада амалга оширилган ушбу кампаниянинг асосий компоненти — ҳудуд аҳолисининг кенг қатламларини наркотик моддаларни истеъмол қилиш ва ОИВ инфекциясини юқтириш хавфи тўғрисида хабардор этишга қаратилган "МЕДИССА" лойиҳаси бўлиб, бу борадаги ишлар ўтган йили бошланган эди. Анжуманда мамлакатимизда амалга оширилаётган Наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича 2007-2010 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурининг жорий қилинганлиги лойиҳанинг Ўзбекистонда самарали бажарилишида муҳим омил бўлгани таъкидланди. Бу ишга республикамизнинг ҳуқуқ-тартибот органлари, таълим ва жамоат бирлашмалари кенг жалб қилинди.

Анжуманда иштирок этган Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон вакиллари миллий кампаниялар натижаларини тақдим этдилар ва бу борада истиқболда қўллаш мумкин бўлган муваффақиятли тажрибалар бўйича фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш Миллий ахборот-таҳлил марказининг етакчи эксперти С.Жуманова, Республика Наркология маркази бўлим бошлиғи М.Зуфарова мамлакатимизда наркотик моддаларни истеъмол қилишнинг зарарлари тўғрисида жамоатчиликнинг хабардорлигини ошириш бўйича ўтказилган кампания ўз ичига бир қатор тадбирларни қамраб олганлигини таъкидлади.

Тошкент шаҳри ва вилоятларда ўқувчи ёшлар учун гиёҳвандликка қарши кураш мавзуидаги театрлаштирилган тадбирлар, шунингдек, велопойга, теннис, футбол ва бошқа оммавий спорт мусобақалари, расмлар танлови, викториналар, мактабларда мавзуга доир дарслар, ўқитувчилар учун тренинг машғулотлари, таниқли артистлар иштирокидаги концерт дастурлари ташкил қилинди. Газеталарда кўплаб мақолалар чоп этилди, радио ва телевидениеда эшиттириш ва кўрсатувлар, ҳужжатли фильм ва телероликлар кенг намойиш қилинди. Ушбу материалларда наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш хавфи ва унинг ОИВ/ОИТС билан касалланганлар сонининг ўсишига таъсирига алоҳида эътибор қаратилди. Бундан ташқари, гиёҳвандликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш муаммолари бўйича журналистларнинг билимини ошириш мақсадида семинарлар ўтказилди. Республика Наркология марказида ахборот маркази ташкил қилинди. Ушбу масала бўйича маълумотга эга бўлишни истаганлар "www.narcocenter.uz интернет-сайтига мурожаат этиши, 150-04-50 рақамли "Ишонч телефони"га қўнғироқ қилиб, психологлар, наркологлар ва бошқа мутахассисларнинг маслаҳатларини олиши мумкин.

Анжуманда иштирок этган БОМКА/КАДАП дастурларининг Марказий Осиёдаги минтақавий менежери Ришар Мартинес наркомания ва ОИТС ҳақида аҳоли хабардорлигини ошириш, шунингдек, бу иллатларнинг олдини олиш бўйича бундай кенг миқёсли кампанияларнинг амалга оширилиши, мутахассислар ва жамоат ташкилотларининг, айниқса, ёшлар орасида ушбу хасталикларнинг тарқалишини бартараф этишга қаратилган фаолиятига кўмаклашиши, тажриба алмашиш учун яхши имконият яратишини таъкидлади.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ — РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таъкидлаш жоизки, дастлабки йилларда корхонада ишлаб чиқариш ҳажми унчалик катта эмас, битта кичик цехгина фаолият юритарди. Яратилган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланилгани ўз самарасини бериб, ишлаб чиқариш ҳажми кенгайди, сифат кўрсаткичи эса мустаҳкамланди. Жумладан, ўтган йили корхонада ишчилар сони 250 нафарга етиб, 2 миллиард 251 миллион сўмликдан зиёдроқ маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилди.

Сифатли маҳсулот — корхона кўзгуси. Жамоа мана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратаётганлиги натижасида уларнинг маҳсулоти нафақат маҳаллий стандартларга, балки халқаро андозаларга тўла жавоб бераётир. "ИСО – 9001:2000"га сифат сертификати берилгани бунинг тасдиғидир.

Бундан ташқари, корхона Тошкент вилоятидаги "Янги Ангрен", Сурхондарё вилоятидаги "Сурхон", Самарқанд вилоятидаги "Сўғдиёна" каби объектларга 500 кВтли кичик станцияларни ўрнатиб берди.

Жорий йилдан бошлаб жамоа буюртма бўйича бир неча турдаги янги трансформаторлар ҳамда ажратгичларни мижозларга етказиб бераяпти. Бу эса ишлаб чиқариш ҳажмини йил охиригача 3 миллиард сўмликка етказиш имконини беради.

СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятидан лавҳалар.

ҚОНУН, МАСЪУЛИЯТ, ИЖРО

Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритиши учун зарур шароит яратилган. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоялашга, самарали иш олиб боришига хизмат қиладиган тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Бу ҳужжатлар, табиийки, тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг етакчи кучига айланиши ҳамда жамиятда мулкдорлар доирасининг кенгайишига туртки бўлаётир.

Жиззах вилояти хўжалик суди ҳам тадбиркорларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришда, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда муайян ишлар олиб бормоқда. Қонун нормаларида белгиланган тартибда одил судловга эришилаётгани туфайли тадбиркорлик субъектларининг судларга бўлган мурожаати кўпаймоқда, янада аниқроқ айтганда, ишончининг ортишига замин яратмоқда. Буни ўтган йили 250,5 миллиард сўм миқдоридаги хўжалик низолари кўриб чиқилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Албатта, бу саъй-ҳаракатлар, ютуқлар замирида Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона сиёсат ётганлигини алоҳида эътироф этиш керак.

Ишларнинг синчковлик билан ўрганилиши, қарорлар чиқарилишида фақат қонунчиликка таянилгани бултур 222,6 миллиард сўм маблағ ундирилишига хизмат қилди. Қолаверса, республика бюджетига қарийб 1 миллиард 739 миллион сўм миқдорида давлат божи ўтказиб берилди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, кўрилган ишларнинг аксарияти фермер хўжаликларига тааллуқли. Бугун фермерлик ҳаракати мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг асосий кучига айланди. Давлатимизда фермерлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уларга тегишли имтиёз ва шароитларнинг яратилиши асносида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга, жойларда янги иш ўринларини ташкил этишга катта эътибор берилаётир. Шу боисдан, фермерлардан тушган даъво аризаларининг қарийб 80 фоизи бевосита жойларда — сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилди.

"Сурмон ота" фермер хўжалигининг даъво аризаси ҳам худди шу тахлитда ўрганилди. Мирзачўл туманидаги ушбу фермер хўжалиги вилоят "Чорвачиликда наслчилик" бирлашмаси билан шартнома имзолаган эди. Унга кўра, бирлашма беш бош наслдор қорамолни етказиб бериши, фермер хўжалиги эса олдиндан тўловни амалга ошириши лозим бўлган. Биласиз, шартнома, халқимиз ибораси билан айтганда, лафз дегани. Уни бажармоқ ҳам виждоннинг амри, ҳам қонуннинг талаби. Шартномани устун билган "Сурмон ота" фермер хўжалиги бирлашма ҳисобига тегишли маблағни ўтказиб беради. Аммо вилоят "Чорвачиликда наслчилик" бирлашмаси на чорва молларини етказиб берган, иш судга етгунича на пулни қайтариб берган. Бу эса, табиийки, шартнома талабларининг

Ҳуқуқ

бузилишига, фермер хўжалиги зарар кўришига олиб келди. Суд ушбу иш юзасидан тақдим этилган ҳужжатлар ва далиллар асосида фермер хўжалиги фойдасига 10 миллион 300 минг сўм миқдоридаги маблағни ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Дарҳақиқат, шартнома мажбуриятларига риоя этиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашишга йўл қўймаслик мамлакатимиз қонунчилигининг негизини ташкил этади. Хусусан, Президентимизнинг "Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"ги Фармонига асосан, хўжалик судларига ишларни кўриш жараёнида аниқланган қонунбузарликлар бўйича жиноий иш қўзғатиш, айбдорларни моддий, интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортиш ваколатлари берилган. Шу нуқтаи назардан вилоят хўжалик суди томонидан қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган корхона ва ташкилотлар раҳбарларига жами 1375 та таъсир чораси қўлланилди. Шундан 5 та ҳолатда жиноят иши очилди. 713 та мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жазо чораси қўлланилди. Қарийб 28 миллион сўмлик маъмурий жарима ундирилди.

Хусусан, Жиззах вилояти адлия бошқармаси томонидан Пахтакор туманидаги 30 та фермер хўжалиги манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб вилоят хўжалик судига киритилган даъво аризасида юқоридаги каби ҳолатлар кўзга ташланди. Иш ҳужжатларида кўринишича, тумандаги "А. Икромов пахта тозалаш" акциядорлик жамияти фермер хўжаликлари томонидан етказиб берилган пахта хом ашёсини қабул қилиб олган бўлса-да, уларга тўловларни ўз вақтида амалга оширмаган. Суд ишларни кўриб чиқиб, 111 миллион 652 минг сўм миқдоридаги қарзларни ундириш, аниқланган ҳолатлар бўйича корхонанинг мансабдор шахсларини маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шунингдек, суд қарори билан "А. Икромов пахта тозалаш" акциядорлик жамиятининг юқори ташкилоти бўлган "Жиззахпахтасаноат" ҳудудий бирлашмасига тақдимнома киритилди. Келгусида бирлашмага тегишли корхоналарда бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун тегишли чоралар кўриш мажбурияти юкланди.

Хусусий тадбиркор В. Носировнинг ҳуқуқлари ҳам мамлакатимиз қонунлари доирасида тикланди. Аслида, Жиззах шаҳар давлат солиқ инспекцияси хўжалик судига ариза билан мурожаат этиб, хусусий тадбиркор Ваҳоб Носировга нисбатан молиявий жарима қўллашни сўраган. Ишни ўрганиш жараёнида тадбиркор ушбу аризага эътироз билдириб, текширишда қатнашмаганлигини, қолаверса, текширув тегишли тартиблар бажарилмасдан амалга оширилганлигини билдирган. Суд ишни чуқур ўрганиб чиққач, тадбиркор В. Носировнинг фаолиятига асоссиз ва ноқонуний аралашилгани аниқланди. Натижада суд инспекциянинг текширишни амалга оширган ходимларига нисбатан лавозимидан озод қилишгача бўлган хусусий ажримини чиқарди.

Умуман, юқоридаги мисоллардан, ишлардан хулоса қилиш мумкинки, бугун мамлакатимизда тадбиркорларнинг эркин ва қонуний фаолиятлари учун барча имконияти шароитлар етарли. Қонунларимиз ҳам уларнинг манфаатини тўла муҳофаза этади. Жиззах вилояти хўжалик суди эса ана шу тамойилларнинг рўёбига интилиш баробарида одил судловни амалга оширмоқда.

Комил СИНДАРОВ,
Жиззах вилояти хўжалик суди раиси.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларида курсантларнинг битирув маросими бўлиб ўтди.

ОҚ ЙЎЛ, СИЗГА СЕРЖАНТЛАР!

Тадбир

Унда мамлакатимизнинг турли вазирлик, идора ва муассасаларининг раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари ва ота-оналар иштирок этишди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Президентининг 2004 йил 19 июлдаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 сентябрдаги қарори асосида ташкил этилган Олий курсларда олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган фуқаролар танлов асосида қабул қилинади. Уларда ички ишлар идораларининг бирламчи бўлинмаларини моҳирона бошқарилишини таъминлашга қодир, мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қила оладиган, юксак жанговар, ахлоқий-маънавий ва руҳий фазилатларга эга сержант ходимлар тайёрланади.

Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларда курсантлар олти ой мобайнида "Патруль-пост хизмати", "Йўл-патруль хизмати", "Қўриқлаш хизмати", "Жазони ижро этиш муассасаларидаги хизмат фаолиятлари" сингари бир қатор мутахассисликлар бўйича таҳсил оладилар.

Самарали фаолият олиб бораётган махсус машғулотлар юқори савияда ўтказилиши баробарида таълим жараёни ўқитишнинг самарали усуллари, мультимедиа ва ахборот воситалари қўлланилган ҳолда олиб борилади. Курсантларнинг жанговар ва жисмоний тайёргарлигини ошириш ва уларда касбий тайёргарлик бўйича бошланғич кўникмаларни ҳосил қилиш мақсадида ҳарбий дала ўқув машғулотлари, ҳудудий ички ишлар органларида мутахассислик бўйича иш ўрганиш ташкил этилади.

— Биз бу ерда олган барча билим ва кўникмаларимизни фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ, эркинлик ва манфаатларини таъминлашга, конституциявий тузум, ҳуқуқ-тартибот ва жамоат тартибини сақлашдек масъулиятли хизматга сафарбар этамиз, — дейди битирувчи кичик сержант Илҳомжон Аббосов.

Тадбир сўнгида олий курс битирувчиларига дипломлар топширилди.

Н. ОЧИЛОВ.

Озиқ-овқат, енгил саноат ва ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар, улгуржи базалар, ҳунармандлар, истеъмолчилар диққатига!



Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, маҳаллий халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш, республика ҳудудида жойлашган улгуржи ва чакана савдо корхоналари билан товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги узвий алоқаларни мустаҳкамлаш, хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида

Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Беруний кўчаси, 41-уй, «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмасининг «Халқ истеъмоли товарларининг кўргазма-ярмарка савдоси республика маркази» биносида шу йил 7-11 апрель кунлари

«Ёғмойозиқовқатсаноат», «Ўзгўштсутсаноат», «Ўзбекчармпойабзали», «Ўзэлтехсаноат» уюшмалари, «Ўзвиносаноат-холдинг», «Ўздонмаҳсулот», «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзқурилишматериаллари» компаниялари, «Ўзметкомбинат» бирлашмаси, Республика Савдо-саноат палатаси, хусусий тадбиркорлар томонидан 2009 йилда ишлаб чиқариладиган гўшт ва сут маҳсулотлари, қандолат ва макарон маҳсулотлари, салқин ичимликлар, консервалар, қуруқ ва қайта ишланган мева-сабзавотлар, шунингдек, енгил саноат маҳсулотлари, маиший техника, қоғоз буюмлар, маданий ва хўжалик молларини истеъмолчиларга етказиб бериш бўйича

Республика улгуржи-савдо ярмаркаси ўтказилади.

Ушбу ярмаркага мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи ҳамда улгуржи ва чакана савдо корхоналари, ташкилотлари, хусусий тадбиркорлар таклиф этилади.

Ярмаркага марҳамат!

«ЎЗУЛГУРЖИСАВДОИНВЕСТ» уюшмаси.



Телефонлар: 239-48-26, 239-46-03, 239-10-93, 239-46-97.

242R/370

Республика Кўчмас мулк биржаси — 15 ёшда!

«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖнинг БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида 2009 йил 23 апрель куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига такроран Шофиркон туманидаги «Шофиркон пилла» ёпиқ акциядорлик жамияти тугатиш бошқарувчиси томонидан, Бухоро вилояти хўжалик судининг 2007 йил 5 июлдаги 20-0708/4021-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «Шофиркон пилла» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти кредиторлари қўмитасининг 2008 йил 3 декабрдаги 10/6-сонли йиғилиши баёни қарори ҳамда «Шофиркон пилла» ёпиқ акциядорлик жамияти тугатиш бошқарувчисининг 2009 йил 2 февралдаги 80-сонли такрорий буюртма хатига асосан, Шофиркон тумани, С. Амонова кўчаси, 5-уйда жойлашган «Шофиркон пилла» ёпиқ акциядорлик жамиятига қарашли мол-мулклар мулкий мажмуа сифатида қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 298 781 730 сўм.

Юқоридаги мол-мулклар тугатиш бошқарувчисининг хатига асосан, қуйидаги шартлар асосида аукцион савдоларида сотилади:

- асосий фаолият, яъни пиллани қабул қилиш ва қайта ишлашни ташкил этган ҳолда фаолиятни сақлаб қолиш;
- мулкий мажмуадаги мол-мулклар талон-торож қилинмасдан, аксинча реконструкция қилиш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, замон талабларига мос равишда ривожлантириш;
- мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва янги иш ўринларини яратиш;
- корхонани технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида қўшимча сармоя киритиш;
- сотиб олинган мулк учун тўловларни бир ой муддатда амалга ошириш.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир соат олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини РКМБ Бухоро вилояти филиалининг Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Бухоро бўлинмасидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000600571452108, МФО: 00084, ИНН: 200933850.

Манзил: Бухоро ш., Мустақиллик к., 10-уй.
Телефонлар: (8-365) 223-71-30, 223-71-36.
www.rkmb.uz.

Лицензия: DB 001 № 000004.

РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!

340R/147

«NAMUNA ENERGOMERA» МЧЖ
"ЭНЕРГОМЕРА" концерни томонидан ишлаб чиқарилган

электрон ҳисоблагичларни

таклиф этади.

Бир фазали	СЕ 101
Уч фазали	СЕ 300
Актив ва реактив қувват ўлчагичи	СЕ 302
Кўп тарифли ўлчагичлар	СЕ 301; СЕ 303
Кўп вазифали	ЦЭ 685 ОМ; СЕ 304
Трансформаторлар	
Номинали 3015 дан 160015 гача	MSQ- 0,66

Маҳсулот «Ўзстандарт» агентлиги метрологик текширувидан ўтган. Хизматлар лицензияланган, маҳсулот сертификатланган.

Шунингдек, электр қувватини тижорат ҳисобига олиш автомат тизимини (АСКУЭ) жорий этиш бўйича ишларни амалга оширади.

Тел./факс:(99871) 277-38-26, (99871) 271-23-75,
e-mail: ekt.tashkent@rambler.ru

1000043, Тошкент ш., Чилонзор тумани, Е-мавзеси, 1-уй, 3-кв. (мўлжал: метронинг «Ҳамза» бекати).

84R/928

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ
КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ"

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

а также:

товар сертифицирован форма оплаты-любая

КАФЕЛЬ
(облицовочный и напольный)
САНТЕХНИКА
(унитазы , умывальники в большом ассортименте)

ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, факс: 267-35-73
Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127
zakamsk-group@mail.ru

24R/1966

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2009 ЙИЛ 28 ФЕВРАЛДАН 27 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши ўтган сонда). 19. «Нашриёт, матбаа ва китоб савдоси ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа яқка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 2 мартдаги 9/Б-сонли буйруғи.*

2009 йил 18 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1926 (2009 йил 28 мартдан кучга киради).

20. «Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларга акциз марказларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2009 йил 13 мартдаги 33, 2009-15, 01-02/8-6-сонли қарори.*

2009 йил 20 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 589-4 (2009 йил 30 мартдан кучга киради).

21. «Алкоголли ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз марказларини жорий этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2009 йил 13 мартдаги 34, 2009-14, 01-02/8-7-сонли қарори.*

2009 йил 20 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1320-2 (2009 йил 30 мартдан кучга киради).

22. «Фойдали моделга Ўзбекистон Республикасининг патентини бериш учун талабномаларни тузиш, тошириш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2009 йил 11 мартдаги 35-сонли буйруғи.*

2009 йил 25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1343-1 (2009 йил 4 апрелдан кучга киради).

23. «Болаликдан ногиронларга нафақалар тўлаш бўйича ҳаражатларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 24 февралдаги 27-сонли буйруғи.*

2009 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1927 (2009 йил 6 апрелдан кучга киради).

24. «Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 27 мартдаги 79-мх-сонли буйруғи.*

2009 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1928 (2009 йил 6 апрелдан кучга киради).

25. «Адвокат ёрдамчисининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 27 мартдаги 80-мх-сонли буйруғи.*

2009 йил 27 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1929 (2009 йил 6 апрелдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Санаториялар тортилган қишлоқ хўжалик корхоналарини мониторинг қилиш тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси қошидаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 473, 1998 йил 14 август).*

Адлия вазирининг 2009 йил 4 мартдаги 57-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» ги буйруқ, 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Кимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директори томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1258, 2003 йил 17 июль), (рўйхат рақами 1258-1, 2004 йил 30 июнь).*

Адлия вазирининг 2009 йил 9 мартдаги 67-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. «Суюқ аммиакнинг ердаги омборлари учун хавфсизлик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруқ, *«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

2. «Кувурётказгич-кранларнинг соз ҳолатига жавобгар муҳандис-техник ходимлар учун намунавий йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ, *«Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжатлар техник ҳужжат деб топилди.

Мазкур ҳужжатлар белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин.

Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ҚУЙИДАГИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ЛАВОЗИМЛАРИГА ШАРТНОМА АСОСИДА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- **Умумий кимё кафедраси:** ассистент.
- **Технологик жараёнлар ва қурилмалар кафедраси:** ассистент.
- **Ўзбекистон тарихи ва сиёсий фанлар кафедраси:** ассистент.
- **Тиллар кафедраси:** катта ўқитувчи, ўқитувчи.
- **Физика ва электротехника кафедраси:** ассистент.
- **Саноат иқтисодиёти ва менежменти кафедраси:** ассистент.
- **Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси:** ўқитувчи.
- **Олий математика кафедраси:** доцент.

Юқоридаги лавозимларга тегишли номзодлардан ҳужжатлар газетада танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечикмасдан қабул қилинади.

Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32-уй, кадрлар бўлими. Телефон: 244-79-31.

329R/466

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- **«АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);**
- **«АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);**
- **«УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).**
- **«УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).**
- **«УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).**

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 232-21-22, 236-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Пахтаободлик тадбиркор Баҳромжон Жўраев шаҳардаги эски кинотеатр биносини таъмирлаб, "Ёшлар маркази" ташкил этди.

Тадбиркорнинг ҳиммати

Ҳозир ушбу маскан йигит-қизлар билан гавжум. Улар бу ерда ўтказилаётган барча тадбирларда фаол қатнашмоқдалар. Айни пайтда марказ қошидаги ўқув курсида ўттиздан ортиқ қиз чеварлик, пазандалик ва компьютер сирларини ўрганаётир.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

204R/280

Республика Байналмилал маданият маркази жамоаси Қашқадарё вилояти араб миллий маданий маркази раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони
Муродулло САИДОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси 2-Олий математика кафедраси катта ўқитувчиси Аммурод Холмуҳамедовга волидаи муҳтарамаси
СОБИРА аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбектуризм" миллий компанияси жамоаси Лицензия хизмати мутахассиси М.В. Фастовцовга отаси
Виктор ФАСТОВЦОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

"Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси жамоаси компаниянинг Самарқанд вилояти филиали директори Ўктам Эркаевга синглиси
Гулнора ЭРКАЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси жамоаси Монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш маркази ходими Собир Саидовга отаси
Муродулло САИДОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети жамоаси Фалсафа кафедраси доценти
Шуҳрат АБДУҚОСИМОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ *«Тез пул ўтказиш» хизмати* *Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!* ТЕЛ.: 237-21-93, 237-16-24. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

Газета ва газетхон: ЮЗМА-ЮЗ

— "Кимошди", биржа ва танлов савдолари орқали давлат активларини реализация қилиш, хусусийлаштиришдан келадиган маблағларнинг ўз вақтида тушиши ва тўғри тақсимланишини таъминлаш тузилмавий ислоҳотлар миқёсини кенгайтиришга хизмат қилиши маълум. Ўтган даврда бу борада республикамизда қандай ишлар олиб борилди?

Абдусамад ДАВРОНОВ.
Андижон шаҳри.

Биржа савдосидан тушган маблағ қайси мақсадларга йўналтирилади?

— Хабарингиз бўлса, бундай жараёнларни сифатли ташкил этиш мақсадида Давлат мулки қўмитасининг www.gki.uz интернет манзилида ҳамда "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида давлат мулки объектлари ва акцияларини "Кимошди", биржа ва танлов савдоларида сотилиши тўғрисидаги маълумотлар потенциал инвесторларга мунтазам равишда етказиб борилмоқда. Бу эса савдога чиқарилган давлат активларининг бозор талаблари доирасида сотилишини таъминлаб, 2005-2008 йилларда дастлабки нархга нисбатан 27,6 млрд. сўм ва 31,8 млн. АҚШ доллари миқдорида қўшимча тушумлар бўлишига шароит яратди.

Биргина 2008 йилнинг тўққиз ойида 232 та, жумладан, биржа савдоларида 57 та, биржадан ташқари савдода 175 та давлат активи, сармоядорлар томонидан инвестиция мажбуриятлари олинган ҳолда эса, 46 объект "нолга тенг" қийматда сотилди. Ушбу даврда 327 та давлат корхонасининг мулкчилик шакли ўзгартирилиб, нодавлат шаклга ўтказилди. Уларнинг 98,5 фоизи хусусий мулкдорлар томонидан харид қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағларнинг ҳисобини юритиш, тақсимлаш ва ундан фойдаланишни назорат қилиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарорига кўра, тушган маблағларнинг 65 фоизи давлат бюджетига инвестицион лойиҳаларни мақсадли молиялаштиришга, 25 фоизи ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга, 5 фоизи хусусийлаштириш давлат дастурини таъминлашга, 5 фоизи Савдо-саноат палатасига ва санация фондини шакллантиришга йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони тижорат банклари имкониятларидан фойдаланган ҳолда банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва қайта тиклаш, уларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳамда қайтадан жиҳозлашни таъминлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотни ташкил этиш бўйича инвестиция мажбуриятларни қабул қилиш шарти билан тижорат банкларига банкрот корхоналарни сотиш ҳамда кейинчалик ушбу корхоналарни стратегик инвесторларга бозор қийматида сотиш амалиётини қўллашни назарда тутади. Бу иқтисодиётни эркинлаштириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли устувор вазифаларнинг мантиқий давоми бўлиб, ушбу тадбирларни амалга ошириш тижорат банкларининг иқтисодиётнинг реал секторини янада ривожлантиришдаги ролини кучайтиради.

А. АҲАДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси.

Истеъмолчининг зиммасида

— Янги қурилган уйга электр тармоғи истеъмолчи томонидан ўрнатиладими ёки таъминотчи томонидан?

Даврон МАТЁҚУБОВ.
Боғот тумани.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги 32-сонли қарори билан тасдиқланган "Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари"нинг 26-бандига кўра, истеъмолчиларнинг янги электр қурилмаларини қуриш, ишлаб турганларини қайта қуриш, кенгайтириш истеъмолчиларнинг кучи ва маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Баҳром РЎЗМЕТОВ,
Хоразм электр тармоқлари очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг ўринбосари.

— Кейинги вақтларда иқтисодий ислоҳотлар ҳақида гап кетганда, "диверсификация" сўзи кўп қўлланилаяпти. Бунинг маъносини тушунтириб берсангиз.

С. НОРМУРОДОВ.
Тошкент шаҳри.

Диверсификация нима?

— Иқтисодий луғатларда таърифланишича, диверсификация, бу — корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хилини (ассортиментини) кўпайтириш, кўринишини ўзгартириш, янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, товар ишлаб чиқаришда тор ихтисосликдан воз кечиш, юқори иқтисодий самара олиш, банкротликнинг олдини олишдир.

Хилма-хиллик қанча кўп бўлса, диверсификация шунча катта ҳисобланади. Диверсификация — муҳим инвестиция концепциясидир.

Ҳар бир тармоқ ёки соҳада диверсификация қилиш йўналишини танлаш ҳамда уни амалга ошириш ўзига хос хусусиятларга эга. Диверсификация қилиш, уни амалга ошириш шакли, ҳажми ва усуллари хўжалик юритувчи ташкилот ривожланишининг умумий стратегиясига мос келиши керак. Шу нуқтаи назардан қараганда, давлатимиз раҳбарининг ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификациялашни давом эттиришни Ўзбекистон шароитида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этишнинг муҳим устувор йўналиши сифатида белгилаши ушбу соҳада бажариладиган вазифаларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаб беради. Яъни, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник янгилаш учун инвестиция жалб этиш уни диверсификация қилиш билан бир вақтда олиб борилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларида фаолият юритаётган корхоналарни диверсификация қилиш уларнинг нафақат даромад манбалари ва фойда олиш имкониятларини мустаҳкамлайди, балки мамлакатимизнинг жаҳон бозорида янги марраларга чиқишида муҳим асос яратиб беради.

Бозорбой БЕРКИНОВ,
ТДИУ кафедра мудири, профессор.

— Ўғлим хорижда ишлайди. Ойлигини ўз вақтида олиб туради. Лекин унинг пенсия жамғармасига ва бошқа жамғармаларга мажбурий тўловлари қандай тўланишидан бехабармиз. Айтинг-чи, ушбу ҳолатда унга пенсия таъминоти қандай йўлга қўйилади?

М. ЖИЯНОВА.
Зарбдор тумани.

— *Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йил охирида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилга асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарорида янги йилдан бошлаб жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари ўзгарганлиги айтилган. Шулар ҳақида батафсилроқ тушунча берсангиз.*

Тўхтасин РЎЗИБОЕВ,
тадбиркор.
Фарғона шаҳри.

Солиқ имтиёзи – тараққиёт гарови

— Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиқлари ставкалари қуйидагича камайтирилган:

— *энг кам иш ҳақининг 1 бараваридан 6 бараваригача 13 фоиздан 12 фоизга;*

— *6 бараваридан 10 бараваригача 18 фоиздан 17 фоизга;*

— *энг юқори ставкаси 25 фоиздан 22 фоизга.*

Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ миқдори белгиланганидан ўртача 1,3 бараварга камайтирилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида ишлаб чиқариш билан машғул бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга туширилди.

Президентимизнинг "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлаши ва экспорт потенциалини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги Фармони талабларидан келиб чиқиб хўжалик юритувчи субъектларга 2009-2010 йилларда амортизацион чегирмаларни белгиланган меъёрларидан камроқ ўтказиш, жаҳон бозорларида улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар баҳоси маҳсулот таннархига нисбатан арзонлашган тақдирда эса, амортизацион чегирмалар ўтказишни олти ойгача тўхтатиб туриш ҳуқуқи берилди.

Асилбек НАЗИРОВ,
Фарғона шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи.

Хорижда ишлаганга пенсия тайинлаш тартиби

— "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 36-моддасига асосан чет элда ишлашга юборилган ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқаришда улар чет элга юборилишидан олдин олган иш ҳақи ҳисобга олинади. Ушбу Қонуннинг 40-моддасига мувофиқ, чет элда ишланган даврлар, бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига белгиланган суғурта бадаллари тўланган тақдирда, агар давлатлараро битимларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ёлланма асосида (битим) чет элда ишлаганлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган органларнинг меҳнат дафтарчасига киритган қайдномаларига қараб ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли қарорига кўра, меҳнат шартномаси (контракт) асосида чет элда ишлаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг иш стажини қўшиб ҳисоблаш бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган суғурта бадаллари тўланган тақдирда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан амалга оширилади. Чет элда меҳнат шартномаси асосида ишлаб келган фуқароларга меҳнат стажини тасдиқлаб беришни уларнинг чет элдаги ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган миқдордаги мажбурий суғурта бадали тўланганлиги тўғрисидаги банк кўчирмасини тақдим этган ҳолда амалга оширилиши ҳамда тўловларни республиканинг исталган ҳудудидаги тижорат банкларига миллий ёки эркин валютада тўлаш мумкинлиги ва унинг ҳисоб рақамлари кўрсатиб ўтилган.

1992 йил 13 мартда Москва шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари (шу жумладан Ўзбекистон Республикаси) томонидан "Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги фуқароларининг пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқларини кафолатлаш тўғрисида" Битим имзоланган. Ушбу ҳужжатнинг 6-моддасига кўра, Битимга аъзо бўлган мамлакатлар фуқароларига пенсия тураржойи бўйича тайинланган.

Ш. САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири ўринбосари.

— Янги қурилган уйга электр тармоғи истеъмолчи томонидан ўрнатиладими ёки таъминотчи томонидан?

Даврон МАТЁҚУБОВ.
Боғот тумани.

Таълим кредити қоидалари

— Республика олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқишга кирган ёшларга тижорат банклари томонидан таълим кредитлари бериш Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сонли қарорига асосан 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб жорий этилган.

Бундай кредит олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимларига тўлов-контракт асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган талабаларнинг ўқиши учун талабаларнинг ўзларига, уларнинг ота-оналарига ёки васийларига берилади. Унинг тартиби "Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тартиби тўғрисида"ги Низомда белгилаб қўйилган. Таълим кредитлари олий таълим муассасаларида ўқиш даври ҳисобга олинган ҳолда, таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилинган талабаларга 10 йилгача, магистратурага ўқишга қабул қилинган талабаларга 5 йилгача бўлган муддатга берилади.

Мазкур Низомга мувофиқ, тижорат банклари томонидан берилган таълим кредитлари чин етимларга, "Меҳрибонлик уйлари"да тарбияланаётганларга ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларига — ноль фоиз ставкаси (фоизсиз кредит); талабаларнинг қолган тоифаларига — Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ўзгарувчи фоиз ставкалари белгиланади.

Кам таъминланган оилалардан бўлган талабалар учун кредит бўйича қўшилган фоизларнинг 50 фоизи меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш туман бўлимлари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан тўланади.

Ў. БЎТАЕВ,
Марказий банк Қашқадарё вилояти Бош бошқармаси бошлиғи.

— Университетда тўлов-контракт асосида ўқияпман. Контракт тўловларини амалга ошириш учун банкдан кредит олмоқчи эдим. Кредитнинг бу турида қандай имтиёзлар борлигини *билмоқчиман?*

А. АҲМЕДОВ,
Қарши шаҳри.

Қўшимча чироқ ўрнатиш мумкинми?

— 1989 йилда ишлаб чиқарилган "Москвич-412" автомашинам бор. Унга об-ҳаво ноқулай бўлган шароитларда фойдаланишни мўлжаллаб туманга қарши чироқ ўрнатгандим. Кейин билсам, у Хитойда тайёрланган ва ойнаси бироз товланиб турар экан. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ходими мени тўхтатиб, ушбу ёритиш мосламасидан фойдаланиш тақиқланганини айтди. Шу тўғрими, умуман, қоида бўйича туманга қарши қандай воситалардан фойдаланилади?

Акбарали ҒОФУРОВ.
Чортоқ тумани.

— Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланиб, 2001 йил 1 мартдан амалга киритилган "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг 3.1 банди изоҳида туманга қарши фараларни ўрнатиш тартиби белгилаб берилган. Шунингдек, ушбу қоиданинг 3.4 бандида ёритиш асбобларининг нур сочувчиси бўлмаса ёхуд нур сочувчи ва лампалар тегишли ёруғлик асбоблари турига мос бўлмаганидан фойдаланилган бўлса транспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқланиши кўрсатилган.

Сизнинг айтишингизга қараганда, машинангизга товланиб турувчи ойнали, туманга қарши чироқ ўрнатгансиз. Хитойда тайёрланган бундай фаралар қаршидан келаётган автотранспорт воситаси ҳайдовчисининг кўзини қамаштириб, ҳаракат хавфсизлигига халақит беради. Унинг ўрнига белгиланган андозаларга мос тушадиган сариқ рангли туманга қарши чироқни ўрнатиб, бемалол ҳаракатланишингиз мумкин.

Толибжон ҲАТАМОВ,
Наманган вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, подполковник.

Касаначи доимо эътиборда

— Бирор корхонага аъзо бўлиб, касаначилик билан шуғулланиш ниятидаман. Ўз уйимда ишласам, коммунал тўловларда қай даражада имтиёзларга эга бўламан?

Шоди РУСТАМОВ.
Самарқанд шаҳри.

— Ҳукуматимизнинг касаначилик меҳнатини ташкил қилиш ва рағбатлантиришга оид қарорларига кўра, касаначи иш берувчи корхона билан тузилган меҳнат шартномаси асосида ишлайди. Касаначилик меҳнати ишлаб чиқарувчи корхона ҳудудидан ташқарида, касаначининг уйида амалга оширилиши табиий. Бундай вазиятда корхона эҳтиёжлари учун ишлаб чиқаришга ва коммунал тўловларга касаначи томонидан сарфланаётган ҳаражатлар корхона ҳисобидан қопланади.

Фахриддин ФАЗЛИЕВ,
Самарқанд вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи.

Ускуна сотиб олмоқчиман

— Фермерман. Хориждан мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган мини ускуна сотиб олмоқчиман. Бунинг учун божхона тўловлари қандай белгиланган?

Ў. ҲАСАМИДДИНОВ,
Шеробод тумани.

— "Бож тарифи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддаси ва Солиқ кодексининг 211-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб кирилаётган технологик асбоб-ускуналар, шунингдек бутловчи бўюмлар ва эҳтиёт қисмлар, агар уларни етказиб бериш технологик асбоб-ускуналарни етказиб бериш контракти шартларида назарда тутилган бўлса, импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилиниши белгиланган. Импорт қилинган технологик асбоб-ускуналар олиб кирилган пайтдан эътиборан уч йил мобайнида экспортга реализация қилинган ёки текин берилган тақдирда, мазкур имтиёзнинг амал қилиши имтиёз қўлланилган бутун давр учун қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбуриятлар тикланган ҳолда бекор қилинади.

"Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи бўюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхати" 2008 йил 3 май куни Адлия вазирлигидан 1802-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Р. МАНСУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосари.

Оилавий поликлиникалар – энг яқин кўмакчи

— Оилавий поликлиниканинг бошқа поликлиникалардан фарқи нимада?

Ҳ. ҚУРБОНОВА.
Навоий шаҳри.

— Президентимизнинг 2007 йил 19 сентябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони ва ўша йил 2 октябрдаги "Республика тиббиёт муассасаларининг фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан оилавий поликлиникалар ташкил этилди.

Оилавий поликлиникаларнинг асосий мақсади: ўзига бириктирилган ҳудуд аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатиш ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, аҳоли орасида касалликлар тарқалишининг олдини олиш, ногиронлик ва ўлим ҳолатини камайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдан иборат.

Аввалларидек болаларга, ҳомиладорларга, катталарга алоҳида педиатр, акушер-гинеколог, терапевт мутахассислари тиббий ёрдам кўрсатарди. Энди эса умумамалиёт-оилавий шифокори тиббий хизмат кўрсатади. Оила аъзолари оилавий шифокор ва оилавий ҳамширага мурожаат этишади. Оилавий поликлиника юридик мақомга эга бўлган мустақил поликлиникадир.

Нажмиддин ШОДИЕВ,
Навоий вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.

Яна саволларингиз борми, мухтарам газетхон? Хатларингизни кутамиз!

Газетамизнинг навбатдаги сони 7 апрель, сешанба куни чиқади.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Барча турдаги коммунал хизматлари тўловларини қабул қилади Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! ТЕЛ.: 233-57-47. ФАКС: 236-09-21. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 46280 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшид Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.50 7